*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил **21 январь** ЧОРШАНБА **№ 5** (12745)

www.th.uz

**1928 йил 11 декабрда асос солинган**

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Ушбу ҳужжатлар тўплами сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўртта сиёсий партиянинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент юқори палатасининг биринчи мажлисини 2015 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

**ЎзА.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғилишига келган Сенат аъзолари 2015 йил 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 4, 15, $18^1$ ва 19-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

### Тошкент вилояти бўйича

| | | |
|---|---|---|
| **10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси манзили** (Вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Телефон: 0-371 232-80-54) | | |
| **Раиси** | | |
| 1. | Абдуллаев Нурмухамат Нурматович | Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси |
| **Раис ўринбосари** | | |
| 2. | Сувонов Холтўра Адилбаевич | Вилоят чорва озуқаси бош бирлашмаси директори |
| **Котиби** | | |
| 3. | Бобоқулов Сирожиддин Суюнович | Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| **Аъзолари** | | |
| 4. | Мухиддинов Файзиддин Абдувахобович | Қибрай туманидаги "Ёнариқ Муҳиддинов Файзиддин" фермер хўжалиги раҳбари |
| 5. | Кадиров Ботиржон Абдубаситович | "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси 2-қозон турбина цехи катта машинисти |
| 6. | Бахромова Мархабо Қўчқоровна | Зангиота туманидаги 59-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси |
| 7. | Таджибаев Гафурджон Ходжибаевич | Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори |
| 8. | Ташбаев Мирзабек Маҳмуджонович | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари |
| 9. | Хамрокулова Сохибахон Алимжоновна | Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош услубчиси |
| 10. | Худойбердиев Фурқат Абдусаломович | Вилоят молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| 11. | Аминов Рустам Караматович | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 16 январь.

Фан олимпиадалари

## БИЛИМЛИЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

**Вилоят умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадалари бўлиб ўтмоқда. Янгийўл туманидаги 1, 18, 20, 23, 44, 66 ва 68-умумтаълим мактабларида ўтказилган беллашувларда 1200 иқтидорли ўқувчи қатнашди.**

*(Давоми 2-бетда).*




**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Маънавият

## ОДАМ САВДОСИ – ДАВР МУАММОСИ

### ёки миллий ўзлигимиз кушандалари

Дарҳақиқат, тамаддун этакларига илашиб кириб келаётган бу иллат давримизнинг энг оғриқли муаммоси. Ундан ҳеч бир давлат мустасно эмас! Яна айтиш мумкинки, бу муаммонинг ечими – мамлакатимиз раҳбари ҳар бир сўзида таъкидлаганидек, миллий ўзлигимизни нечоғли тўғри англай олишимизга боғлиқ. Акс ҳолда, яъни қорин дарди, ширин жон ташвиши биринчи ўринга чиқса, ўзлигини унутиб, манқуртга айланиш ҳеч гапмас. Зеро, ғайри юртларда ўзгаларнинг ҳожатхонасини тозалаб, мўмай пул топаётганини айтиб мақтаниш ҳам одамнинг маънавий савияси ҳаминқадар эканидан далолат эмасми?!

Бир воқеа ёдимга тушди. Баъзи тенгдошларининг қистови билан чет элда ишлаб, бойиб кетишни ихтиёр этган ёш йигит хотини, икки фарзандини ота-онасига ташлаб кетди. Аммо, бир-икки йилда қайтиш фикри 3-4 ойдаёқ ўзгарди. Кун чиқиш мамлакатларидаги ялтироқ ҳаёт кўз олдида саробга айланди.

*(Давоми 2-бетда).*

Транспорт тизими

## АВТОПАРК ХИЗМАТИГА ТАЛАБ КАТТА

**Тошкент вилояти автомобиль парки очиқ акциядорлик жамияти мақомига эга бўлгунига қадар мулкчилик шаклининг бир қатор босқичларидан ўтишига тўғри келди. Жумладан, у илк ташкил этилган 1960 йилда асосан Ядро физикаси ҳамда Тошкент ГРЭС қурилишларига зарур юкларни ташиб беришни таъминлаган бўлса, 1964 йили парк шаҳар автомобиль тресги автобусларини қабул қилиб олди. Орадан тўрт йил ўтиб, юк автомашиналарини вилоят юк ташиш тресги тасарруфига бериш баробарида янги автобуслар харид қилди.**

Шундай қилиб, 1991 йилга қадар Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонга 10 та, Фарғона водийсига Тожикистон ҳудуди орқали 15 та, Жануб томонда эса 25 та, шунингдек, фақат Қибрай туманининг ўзида 12 та йўналишда хизмат кўрсатди. Ўша йили у давлат мулки шаклидан акциядорлик мулк шаклига ўтказилди. 2010 йилнинг сентябрига келиб эса, Тошкент вилояти автомобиль парки масъулияти чекланган жамияти мақомини олди.

Бугунги кунда автопарк балансида 26 та "Мерседес" автобуси бор. Бундан ташқари, хусусий шахслардан 47 та автобус, 35 та микроавтобус, 244 та енгил автомашина, 35 та юк машиналари ижарага олинган. Жамият аъзолари 498 кишига етди. Шулардан 440 нафари ҳайдовчилардир.

Автопарк автобуслари ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистон Республикаси бўйлаб 13 йўналишда хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, ёз мавсумида халқаро келишувга мувофиқ Қирғизистоннинг Иссиқкўлида дам олувчилар вақтида манзилларига етказилади.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – дейди автомобиль парки директори Аълам Пардаев. – Биз бутун республика бўйлаб, турли тантаналар, сайёҳлар ва зиёратчиларнинг бир марталик буюртмаларини ҳам бажарамиз. Шунингдек, барча йўналишлардаги автобусларимизда йўловчилар учун зарур қулайликлар бекаму кўст яратилади. Шу боис автопаркимиз хизматига талаб ва эҳтиёж катта. Шуни ҳисобга олиб, бу йил ҳам 20 та Исузу автобуси харид қилишни режалаштирдик.

**Ўз мухбиримиз.**

## *Янги имкониятлар*

**Оққўрғон туманидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Versal invest plus" масъулияти чекланган жамиятида бетондан ғишт, плита ва устунлар ишлаб чиқарилмоқда.**

Яқинда, корхонага Эрон давлатидан 450 минг АҚШ долларилик тош майдаловчи технология олиб келиб ўрнатилди. Натижада, сарф-харажатлар камайиб, маҳсулот таннархи арзонлашди. Эътиборлиси, 10 киши муқим иш жойига эга бўлди.

Шу вақтга қадар корхона хом ашёни Чирчиқ шаҳридан олиб келар эди. Бу эса маҳсулотнинг қимматлашишига сабаб бўлаётганди. Соатига 60 тонна тош майдалаш қувватига эга янги ускуна бу муаммога барҳам берди.

**Аваз БЕКОВ.**

## *Ёрдамчи хўжалик*

**"Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти ёрдамчи хўжалиги чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликка ихтисослашган бўлиб, корхона ишчи-ходимларига пешма-пеш гўшт, тухум ва асал етказиб бермоқда.**

Ўтган йили хўжалик буюртмачиларга 794,73 тонна сут, 3,63 миллион дона тухум, 750 килограмм асал, жумладан, ишчиларга 37,1 тонна гўшт сотди. Шундан 10 тоннаси товуқ гўшти.

Ҳозирда ёрдамчи хўжаликда 644 бош қорамол, 16 минг 200 та парранда, 100 та асалари оиласи парвариш қилинмоқда.

**Саид ҲАСАНОВ.**

Муносабат

**Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қишлоқ хўжалигига алоҳида тўхталиб: "Бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир" деганларида, аввало, биз фермерларнинг қалбимиз фахрдан яна бир бор тўлқинланди.**

## ҲИССАМИЗ БОРЛИГИДАН ФАХРЛАНАМИЗ

Айниқса, давлатимизнинг ғаллачиликдаги 8 миллион 50 минг тонналик улкан хирмони, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз маҳсулотлари 16,6 фоиз ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсганида хўжалигимизнинг ҳам оз бўлсада улуши борлигини ўйлаб, фахрландим ва куч-қувват олдим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, 2014 йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун бироз ноқулай об-ҳаво шароитида ўтган бўлсада, ғалла, сабзавот ва полиз экинларидан катта ҳосил кўтаришга эришдик. Хусусан, 52 гектарда буғдойнинг "Таня" навини парваришлаб, 300 тоннадан зиёдроқ ғалла олдик. Давлатга шартномадаги 156 ўрнига, 262 тонна дон топширдик. Қолган 40 тоннадан ортиқроғи хўжалигимиз омбори ва 14 нафар аъзоларимиз уйини донга тўлдирди.

Шунингдек, бошқа полиз ва сабзавот экинларидан ҳам юқори ҳосил олдик. 500 тонна тарвуз, 70 тонна сабзи, 3 тонна қулупнай ҳамда 2 тонна помидорни пойтахт ва туманимиз ички бозорларига олиб чиқдик. Ғалладан бўшаган майдоннинг 5 гектаридаги картошка ҳам ҳосилдорликда бошқа экинлардан қолишмади. 100 тоннадан ортиқроқ ҳосилни пешма-пеш бозорларга олиб чиқаяпмиз. Шунга яраша даромаднинг чўғи ҳам баланд. Биргина ғалладан 40 миллион сўм соф фойда олдик. Бошқа экинларники эса, унданда салмоқли бўлди. Бунинг натижасида оиламиз ва аъзоларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш баробарида, хўжалигимизни ривожлантириб, моддий-техник базасини мустаҳкамладик ва қўшимча тармоқларни ишга туширдик. Энди, хўжалигимиз техникаси МТЗ 82-1 ҳайдов трактори билан бойиган бўлса, қўшимча тармоқ баликчиликни ҳам ривожлантираяпмиз.

Бу йил давлатимиз фаолиятимизни муносиб баҳолаб, юксак ишонч билдирди. Экин майдонимиз 72 гектардан 115 гектарга кенгайди. Ўйлайманки, 2015 йил ҳам хўжалигимиз учун катта синов ва, албатта, юксак хирмонлари билан унутилмас бўлади. Чунки, биз бунга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Зеро, давлатимизнинг биз фермерларга қаратаётган эътибори, яратиб бераётган имкониятлари бунданда юқори натижалар сари ундамоқда.

**Фозил РИХСИБОЕВ,**
**Янгийўл туманидаги "Топил қизи Туймажон" фермер хўжалиги раҳбари.**

# ОДАМ САВДОСИ – ДАВР МУАММОСИ

– "Ҳар ерни қилма орзу" деганлари тўғри экан, – дея ҳикоя қилади у. – Ахир, тилини билмасам, нони тахир, тузсиз туюлса, бир ойга етмай, ўз юртимнинг ҳавосини соғинган бўлсам нима қилай... Айниқса, менга таклиф этилган иш ғуруримни поймол қилди – мурдаларни сочларини йиғиш, ювиб-тараш, кийинтириш... Шунинг учун кетган харажатлар ҳам кўзимга кўринмади. Таъналю дашномларга чидадим, қайтиб келдим. Эҳ, ўз уйимдан, Ватанимдан қўймасин...

Энди йиллар давомида ўзга юртларда хор-сарсон юрганларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай бўлсада, бу иллат ҳамон долзарблигича қолмоқда.

– Чет элга кетаман, пул ишлаб келаман, – дея ота-онасига шарт қўйди ноқобил ўғил.

– У ёқларда нима қиласан, қўлингда бирор ҳунаринг йўқ, "ўқи" десак, ўқимадинг. Энди "ёлғиз ўғли ташлаб кетди" деган иснодга қўйма, болам.

Онанинг сўзлари бежавоб қолди. Тантиқ ўғил лоақал "ўлдим, қолдим" деб уйланган ёш хотинини ўйламади.

– У ёқларда иш кўп экан, қоровуллик қилиб бўлса ҳам мўмай пул топиб келаман. Ҳали кўрасизлар. "Иномаркалар"да юриб, ҳаммани лол қолдираман...

Бир неча ой дом-дараксиз кетган ўғилдан хабар келди: "Ниҳоят иш топдим. Аммо, мол-ҳолни

(Давоми. Боши 1-бетда).

сотиб йиққан пулимни йўл ҳақига олиб қўйишди. Ҳозирча бир оз пул юбориб туринглар, кейин ортиғи билан қайтараман"...

Шундай қилиб, нафақат юборилган пул, балки унинг ўзи ҳам тирик қайтмади – кимлар биландир муштлашиб, жароҳати туфайли воқеа жойида ҳалок бўлган ўғил доғи



ота-она қаддини букди, ёш келин бева қолди.

Қайғу-кулфат, ор-номус исканжасида ота-она ҳам тезда омонатини топширди.

Қисқаси, бу йўлга кирганларнинг аянчли тақдири ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Аммо, одам савдоси ҳамон неча-неча ёшлар, эркагу аёлларнинг умрига зомин, шаънига доғ бўлмоқда.

Бир қўшнимизнинг қизи бор эди. Онасига ўхшаб енгил-елпи ҳаётни, ялтир-юлтир кийим, қимматбаҳо тақинчоқларни хуш кўрарди. Нима бўлдию, кўринмай қолди. "Бизнес қилаяпти", – деди бир куни онаси сўраганимизда. – "Россияга "сухопродукт" олиб бориб сотади".

Онанинг "сухопродукт" дегани ёш-ёш, ғўр қизлар экани кейин аён бўлди. Демак, одам савдоси иродаси сустларни домига тортишини англаш қийин эмас. Оилада шаклланиб, тарбия топаётган бола ота-онасининг маънавий оламидан озиқ олади. Мамлакатимиз раҳбарининг соғлом она, соғлом бола ва мустаҳкам оила масалаларига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. "Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман ва мен у билан ҳамкорлик қиламан", – дейди давлатимиз раҳбари.

Вилоят ички ишлар идоралари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, фуқароларни турли жиноий мақсадларда фойдаланиш учун хорижга олиб чиқиш билан шуғулланаётган шахслар, жиноий гуруҳлар, уларнинг "раҳнамо"ларини аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада, ўтган 2014 йил давомида одам савдоси билан боғлиқ 54 та жиноят фош этилди ва жиноятчиларга қонуний чоралар қўлланди. Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимиз сиёсати ҳамиша адашган, хатосини тан олганларни тўғри тушуниб, ёрдам беришга асосланади. Вилоятимизнинг 27 фуқароси одам савдоси жабрдийдалари сифатида республика Реабилитация марказида шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, саломатлигини тиклаётир. Лекин, улар бу йўлга киришдан олдин қадамларини ўйлаб боссалар ўзларига ҳам, оилаларига ҳам ташвиш келтирмаган бўлардилар. Зеро, улардаги касалликни даволаш, бошқаларга юқишининг олдини олиш, руҳий қўллаб-қувватлаш осон кечмайди.

Бу борада вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, ички ишлар бўлими ҳамкорлигида қилинаётган ишлар бесамар кетмаяпти. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида одам савдосидан жабр кўрган 25 аёлга тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-руҳий ёрдам кўрсатилди, баъзилари ишга жойлаштирилди.

Текширишлар натижасида аниқланган энг хавфли, юқумли касалликлар ноқонуний йўл билан хорижга чиқиб кетиш, меҳнат шароитларига мос келмайдиган жойларда ишлаш ва яшаш, яхши овқатланмаслик, дуч келган жойда тунаш оқибатида келиб чиқмоқда. Шунинг учун касални тузатишдан кўра, унинг олдини олиш мақсадида астойдил кураш олиб борилмоқда.

Қисқаси, жамиятнинг оғриқ нуқталаридан бири – одам савдосидан огоҳ бўлиш, ундан жабр кўрмаслик ҳар кимнинг ўз қўлида. Афсуски, "билиб туриб тиканни босувчи"лар кўп. Хорижга қинғир йўл билан кетиб, кейин: "Мени ножоиз ишларга мажбур этишди, хўрлашди" дея шикоят қилиш ноўрин. Аввало, бу нарса оилада, қолаверса, барча жамоат ташкилотлари, ўқув муассасаларида ёшлар онгига сингдирилиши керак. Зеро, Президентимиз айтганларидек: "Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди". Бу борада вилоятимиз ўқув-таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежларида ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатларини янада жонлантириш, мазмунан бойитиш зарур.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Кўрик-танлов

# НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

**Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлида фидокорона хизмат қилаётган профилактика инспекторларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови ўтказилмоқда. Анъанага кўра, Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида кўрик-танловининг 2014 йил якунлари бўйича вилоят босқичи ўтказилди.**



Таъкидландики, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлашда вилоятдаги 314 та милиция таянч пунктларининг муносиб ҳиссаси бор. Профилактика хизматига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида милиция таянч пунктларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Жойларда замонавий, барча шароитларга эга, сўнгги русумдаги компьютер ва мебель билан жиҳозланган кўп хонали милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини идоралари биносида жойлашган милиция таянч пунктида ҳам профилактика ишлари учун барча шароит яратилган.

Танловда "Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким", "Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси", "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Ёш авлод ҳимоячиси", "Энг обод ва осойишта маҳалла раиси", "Фидойи маҳалла посбони", "Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи", "Адолатли яраштириш комиссияси", "Баркамол авлод етакчиси" ва "Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Ҳар бир оиланинг тинчлиги, аввало, маҳалланинг, маҳалла осойишталиги эса, мамлакатнинг барқарор тараққиёти гаровидир, – дейди танловнинг "Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси" номинацияси ғолиби, Зангиота туманидаги "Ҳасанбой" маҳалла фуқаролар йиғинидан Наима Ҳасанова. – Биз ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, муаммоларини атрофлича ўрганиб, амалий ёрдам, маслаҳат ва йўл-йўриқлар бераяпмиз. Профилактика инспектори билан ҳамкорликда намунали оилаларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Танловнинг асосий қисмида Пискент тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 231-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ўринга Янгийўл тумани "Қирсадоқ" маҳалласидаги 299-, ва учинчи ўринга Зангиота тумани Масалбой қишлоғидаги 245-милиция таянч пунктлари лойиқ топилиб, ғолибларга вилоят ҳокимлигининг махсус дипломи ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров иштирок этди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Таълим ва замон

*Келини ишдан хуноб бўлиб келганини кўрган Зубайда ая сўз қотди:*

*– Ҳа, Робияхон, кайфиятингиз йўқ, тинчликми?*

*– Кўрмайсизми, ойижон? Ҳозирги ота-оналарга ҳайронман, фарзандлари ёнини олишгани-олишган. Бир гап бўлса, мактабни, ўқитувчиларни айблашади. Нариги кўчадаги Шуҳрат қассобнинг ўғлини бироз койиган эдим, онаси мактабга айюҳаннос солиб келибди. Гўёки унинг зумрашаси оппоғ-у, биз ёмонмиз...*

*– Ҳай-ҳай, ундай деманг. Бировнинг гулдай боласини зумраша дегандан кўра, уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг вазифангиз, жон болам. Ахир ўқитувчи бўлишни ўзингиз хоҳлагансизку!*

# ЎҚУВЧИГА ДАШНОМ ЭМАС, РАҒБАТ КЕРАК

Зубайда ая 40 йил ўқитувчи бўлиб ишлагани учун бу касбнинг оғир-енгилини яхши билади. Бола тарбияси нозик масала бўлгани боис ёш ўқитувчиларга маслаҳат беришга ҳаракат қилади.

Тўғри, бугунги куннинг талаби ўзгача. Ўқитувчи ўз устида қанча кўп ишласа, шунча яхши. Педагог кадрларнинг салоҳияти юксак, тафаккури кенг, билими кучли бўлса, ота-оналар ва ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди. Таълим-тарбия жараёнида болага дўстона муносабатда бўлинса, ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқи ортади.

Аслида болага мактабда ҳам, уйда ҳам дўстона муносабатда бўлиш, яхши гапириш керак. Шўхлик қилиб қўйганда ҳам "Уйингга буғдой тўлгур", "Бўйинг чўзилгур", "Омон бўлгур" каби эркалаб койишлар билан болага тўғри йўл кўрсатиш керак. "Сендан яхшилик чиқмайди", "Одам бўлмайсан", "Девордан садо чиқади, сен хомкалладан садо чиқмайди" каби ҳақоратомуз гаплар эса, бола қалбини синдиради, ўзига ишончини сўндиради, ғururини топтайди. Бола яқинларидан, айниқса, ўқитувчисидан бундай ҳақоратли гапни ақалли бир марта эшитган бўлса ҳам унинг жаранги қулоқларида бир умр сақланиб қолади.

Ёмон ўқувчи бўлмайди. Бироқ ўқувчилари "ёмон" деб ташхис қўйган ўқитувчи ҳақиқатан ҳам касбига нолойиқ. У меҳрдан, илиқ муомаладан йироқ. Негаки, меҳр тафти билан бола қалбини исита олмайди, ширин сўзи билан "эритолмайди".

– Ўқувчилик давримда жуда шўх ва уришқоқ эдим. Қалбимда қизиқиш уйғониб, шеър ёзишни машқ қилиб, бу ишга муккамдан кетдим. Лекин кутилмаганда машқимни адабиёт ўқитувчимиз қўлимдан тортиб олиб, бутун синфга ўқиб бердилар. Устимдан кулиб: "Шунча шоирлар туриб, шеър ёзиш сенга қолибди-да, овора бўлма, сендан шоир чиқмайди" дедилар, – афсус билан хотирлайди Нормурод ака. – Ҳозир 60 дан ошган бўлсамда ўқитувчининг ўша гапи эсимдан чиқмайди. Эҳтимол, шу воқеа сабаб шеър ёзиш учун бошқа ҳеч қачон қўлимга қалам олмагандирман...

– Расуловлардан ҳеч қачон яхши ўқийдигани чиқмаганди. Уч аканг ҳам машҳур иккичилар бўлишган. Нечук, кесакдан ўт чиқиб, сен тузукроқ ўқийдиган бўлибсан?

Розия ўқитувчисидан бу гапни эшитганига 10 йилдан ошди. Аммо ёдига тушса, ҳамон бутун вужуди титраб кетади. Ўшанда яхши ўқигани учун рағбат эмас, ҳақорат эшитгани роса алам қилган эди. Орадан йиллар ўтиб, Розия зўр шифокор бўлиб етишди. Ҳатто, ўша ўқитувчиси бетоб бўлиб қолганида, ўзи даволади. "Сен болалигингдан жуда тиришқоқ ўқувчи эдинг. Яхши шифокор бўлишингни билардим", деди Мўътабар опа касалхонадан чиқаётганида. Аммо Розия бу гапга ишонмади.

Ҳа, ҳаёт – буюк дарсхона. Ҳар бир инсон унда ўз ўрнини топади, синовларда тобланади, хулоса чиқаради. Устозлар сабоғи эса ўқувчилар тетапоя қилишида таянч бўлиши керак. Токи улар устозларини ширин хотира билан ёдга олишсин.

**Аллома АЗИЗОВА.**

# БИЛИМЛИЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

– Бу йилги фан олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрдик, – дейди 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муштарийбегим Эргашбоева. – Жумладан, чет тиллар бўйича беллашувларда иншо ёзиш, тест ва оғзаки билимларимизни си-

(Давоми. Боши 1-бетда).

новдан ўтказдик. Ўйлаймизки, беллашувларда қўлга киритган натижаларимиз келгусида янада юксак мақсадларга эришишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Мактабларда ўтказилган бу йилги фан олимпиадаларининг дастлабки босқичида ўтган ўқув йилида 1-ўринни эгаллаган 897, иккинчи ўринни эгаллаган 303 нафар ўқувчи ҳам қатнашди. Энди беллашувларда биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган 18 нафардан ўқувчи вилоят босқичида иштирок этишади.

**Мурод ҲАСАНОВ.**

# ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИ КЎПАЙТИРИЛДИ

**Ангрендаги 33-мактабда республика Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида инглиз тили хоналари ташкил этилди. Ахборот-ресурс маркази китоб фонди бойитилиб, чет тилидаги янги ўқув қўлланма ва дарсликлар билан таъминланди.**

Энди чет тили дарслари ноанъанавий интерфаол усулда олиб борилиб, ўғил-қизлар хориж тилларини биринчи синфданоқ ўрганиш имконига эга бўлишди. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг билими оширилди.

– Мактабимизда ёшларнинг тил ўрганишга қизиқиши жуда юқори, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Юлия Сисаева. – Ҳатто, хорижий тилларнинг дарс соатларини кўпайтиришга тўғри келди.

Мактабда 14 йўналишда тўгараклар ишлаб турибди. Уларда ўқувчилар дарсда ўрганганларини мустаҳкамлаш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар. Айниқса, рус ва инглиз тили тўгаракլари доим ўғил-қизлар билан гавжум.

– Тўгаракларни очишдан мақсад ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ёрдам бериш, – дейди мактаб психологи Лайло Тангирова.

– Педагоглар учун фақат истеъдод ва билимнинг ўзи етарли эмас, – дейди мактаб директори Ю. Ребеченко. – Ўқувчилардан нима учун шу фанга қизиқасиз, деб сўралганда: "Устозимизни яхши кўраман, дарсни жуда қизиқарли ўтадилар" деган жавоб оламиз. Демак, ўқитувчи ўз фани бўйича нафақат билим, балки педагогик маҳоратини ҳам намоён қила олиши керак.

Бугунги кунда ўқувчилар шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни эгалламоқдалар. Ўтган йили Валентина Астафьева бадиий гимнастика бўйича Ангрен шаҳрида 3-ўрин, Дилноза Солибоева енгил атлетика бўйича 1-ўринни эгалладилар.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Мамлакатимизда сўнгги 10 йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Бунинг натижасида оналар ўлими 3,1, гўдаклар ўлими 3,2 баравар камайди. Эътиборлиси, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келади.**

# ЭРТАМИЗСИЗ ЁШЛАР

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз шаҳар, туман ва чекка қишлоқларидаги тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича малакасини ошириш, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Маҳорат дарслари" ўтказилмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги "Маҳорат дарси"да муассасанинг 40 га яқин ходимлари ва Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Қибрайлик шифокорлар иштирок этдилар.

– Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, – дейди вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори вазифасини вақтинчалик бажарувчи Лола Сайдалиева. – Зеро, оила мустаҳкамлиги, ёркин келажакни ҳар томонлама соғлом болагина таъминлай олади. Бу борада "Маҳорат дарси" тадбирларининг ташкил этилиши айни муддао бўлаяпти.

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-тадқиқот маркази профессорлари муассасадаги дардди оғир беморларни кўрикдан ўтказдилар. Шунингдек, икки томонлама пешобнайнинг туғма нуқсони ташҳиси билан ётқизилган 9 ёшли Самандар Камолиддинов операция қилинди.

– Ҳозир ўзимни яхши ҳис қилаяпман, – дейди Самандар. – Тез орада яна мактабга қатнай олишимдан хурсандман.

Бундан ташқари, А. Абдезова, Д. Баҳодиров, Н. Эгамбердиева каби беморлар ҳам кўрикдан ўтказилиб, уларга аниқ ташҳис қўйилди. "Маҳорат дарси"да ҳозирги кунда кўплаб учраётган касалликлар, уларни даволаш йўллари ва усуллари хусусида тажриба алмашилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Юртимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида 1992 йил қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 1997 йилда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, янги таҳрири бўйича мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими жорий этилди.**

# ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Бугунги кунда малака ошириш таълим тизимининг ажралмас қисмига айланди. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш борасида катта тажриба мактабини ўтаётир.

– Мен 2014-2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг раҳбар кадрлар малакасини ошириш тўрт ойлик курси тингловчиси бўлдим, – дейди Оҳангарон тумани 58-махсус мактаб директори Зебо Каримова. – Ўқиш даврида бир гуруҳ тингловчилар билан амалиёт ўташ учун Сингапур давлатида бўлиб қайтдик. Икки ҳафталик амалиётимиз давомида Сингапур институтида малакали мутахассислар машғулотлар ўтказишди. Академияда олган билимларимизни мустаҳкамлаш билан бирга Ўзбекистондаги таълим тизимига қиёсладик ва юртимизда амалга оширилган ислоҳотлардан фахрландик. Айниқса, сингапурлик ёшларнинг Ўзбекистонда жорий этилган таълим тизими ҳақидаги фикрларидан қалбимиз ифтихорга тўлди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**



# ҲАРФЛАР ТИЛГА КИРДИ

"Барча яхши нарсалар болалар учун" деган иборанинг ижобатини ҳар куни, ҳар қадамда сезиб, кўриб турибмиз. Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туманларида кўтаринкилик билан нишонланган Янги йил шодиёналари "Саводхонлик" байрамларига уланиб кетди. Олмалиқ шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчилари кўркам ясатилган залда "Алифбо" китобларидаги ҳарфларига айланишиб, шеър ва қўшиқлари билан дилларни яйратишди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Нуқтаи назар

# «АХБОРОТ ФИЛЬТРИ»ГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛАЯПТИ

**Бугун ёшлар тарбияси, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш бутун дунё жамоатчилиги олдидаги долзарб масалалардан бирига айланган. Бунинг сабаби кўплаб омилларга бориб тақалади. Хусусан, ахборот алмашинувининг жадал суръатда ривожланиб бораётгани, салбий ёки ижобий бўлсин, маълумот ва тарғиботларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнаётгани ҳеч кимга сир эмас.**

Аксарият ҳолларда бузғунчи ғояларни интернет тармоғи орқали тарқатишга уринишлар айрим ёшларнинг йўлдан озишига, шундай ёвуз мақсадли кимсаларнинг таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, турли беҳаё фильмлар, сурат ва маълумотлар ёш авлоднинг ахлоқига салбий таъсир этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар тарафлама етук ёшларни тарбиялаш масаласига мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ устувор вазифа сифатида қарала бошланди. Бу борада кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ёшлар таълим-тарбияси борасида мутасадди ташкилотларда турли ички тартиб ва меъёрлар қабул қилинмоқда.

Юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган бу каби эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз эришаётган ютуқлар бугун ҳаммамизни хурсанд қилмоқда. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, эришган натижаларимиз билан чекланиб қолмай, бу эзгу мақсад йўлида тинмай изланиб, бор имкониятларни ишга солишимиз зарур.

Шу ўринда бир мулоҳазани таклиф сифатида ўртага ташлашни истардим. Албатта, интернет тармоғини чеклаш жуда қийин. Аммо, турли провайдерлар ва ахборотлаштиришга мутасадди ташкилотлар орқали бузғунчилик ва ахлоқсизликка асосланган сайтларни юртимизга кириб келишини тақиқлаш масаласи жиддийроқ ўрганиб чиқилса, яхши бўларди. Мутахассислар бу борада изланиш олиб бориб, "ахборот фильтр"ларини жорий этиш, қолаверса, бузғунчи ғоя ва ахлоқсизликни тарғиб қилганлиги учун қонунларимизда белгиланган жавобгарликларни янада кучайтириш масаласи ҳам қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Умид ЖАЛИЛОВ,**
**Зангиота тумани 5-нотариал идораси нотариуси.**

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

**Тошкент воҳасининг ўзига хос тарихи беқиёс илмий аҳамиятга эга манба сифатида археолог-олимларни ром этиш баробарида кўплаб осори-атиқалар ишқибозларида ҳамон катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Биз Оҳангарон водийси, Чирчиқ воҳаси ва унинг юқори қисми тарихи ҳақида "Тошкент ҳақиқати" газетаси орқали кўп суҳбатлашдик. Навбатдаги ҳикоямиз Чирчиқ дарёси қуйи соҳилларидаги тарихий ёдгорликлар хусусида.**

# ҚОВУНЧИТЕПАНИНГ СЎНМАС НУРИ



Ўзбекистон моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш қўмитаси 1934 йилда турли мақсадларга йўналтирилган учта экспедиция тузди. Улар Зарафшон водийсининг ўрта қисми, Оҳангарон дарёсининг ўрта оқими ва Чирчиқ дарёсининг қуйи оқими ўнг соҳилидаги ёдгорликларни ҳисобга киритиш билан шуғулланган. Дастлабки икки экспедиция Давлат Эрмитажи ва Тожик – Помир экспедициялари билан биргаликда ўтказилди. Тошкент – Чиноз йўналиши бўйича учинчи экспедиция Ўзбекистон моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш қўмитаси томонидан археолог Г. В. Григорьев раҳбарлигида олиб борилди.

Ушбу экспедицияларнинг нақадар жиддий ва муҳимлиги, кўламининг беқиёс кенглиги бугун, орадан шунча йиллар ўтиб, янада кучлироқ ҳис қилинмоқда. Ўзбекистонда, жумладан, Тошкент вилоятида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб илмий экспедициялар улардан самарали фойдаланган. Шуни унутмаслик керакки, биринчи ўзбек археологик экспедициялари бутун Ўрта Осиёда фундаментал археология фанининг юзага келишида жуда катта роль ўйнади.

1934 йилда ўтказилган экспедициялар жараёнида ҳозирги Янгийўл тумани ҳудудида Қовунчитепа, Йўғонтепа, Нишбоштепа, Эски Қовунчи каби қадимий ёдгорликлар ҳамда бир қатор кўҳна мозорлар топилиб, рўйхатга олинди.

Бугун Янгийўлдаги темир йўл яқинида улкан дўнглик – Қовунчитепа кўзга яққол ташланиб турибди. Кичик ва тор бир кўчани ҳисобга олмаганда ушбу тепаликка яқинлашишнинг иложи йўқ. Лекин, афсуски, шу биргина мўъжаз кўча ҳам бугун ахлатхонага айланган. Қадимий шаҳар ўрни Куркулдак ариғи бўйлаб чўзилган. Унинг аниқ ўлчамлари ҳозирги кунда номаълум бўлиб турибди. 1934 йилда унинг майдони 25 гектар эди. Археологлар беш метр қалинликкача маданий қатлам борлигини аниқладилар.

Шуниси қизиқарлики, бир неча метр қалинликдаги маданий қатлам остидаги манзилгоҳ негизида ғор уйлар мавжуд. Олим В. Вяткиннинг таъкидлашича, бу ердан топилган идиш синиқлари ва ҳайвон суяклари эрамиздан аввалги IV ва эрамизнинг VI-VII асрларига тааллуқлидир.

Қовунчитепанинг Шарқида маҳобатли қўрғонлар, Ғарбида эса аҳоли манзилгоҳлари бўлган. Г. В. Григорьев бошчилигидаги экспедициядан сўнг орадан 36 йил ўтиб, яъни 1970 йилда бу ерда Бўзсув экспедицияси иш олиб борди.

Шуни ҳам ёдга олиш жоизки, бутун Чирчиқ дарёси ёқалари кўплаб бозорлар билан ўраб олинган. Шарқда – Номданак, Тўйтепа, Оққўрғон, Ғарбда – Чиначкент, Шутуркент (ҳозирги Чиноз), Денфеганкент (Йўғонтепа). Ушбу катта туман Буюк Ипак йўли, аниқроғи Самарқанд – Шош йўлидаги энг ҳаёт қайнаган жой бўлган. Мухтасар айтганда, Қовунчитепа муайян даврларда савдо-сотиқ йўлида ўта муҳим аҳамият касб этган.

Эрамиздан аввалги биринчи асрлардан бошлаб бутун Шош водийси катта, қудратли ва ёвуз рақиб бўлмиш Кушон давлати таркибига кирган. У Сирдарёдан то Оролбўйигача чўзилган ҳудудни эгаллаган.

Ушбу давлат сарҳадларида ўтроқ-деҳқончилик маданияти жадал ривожланиб, қўшни кўчманчи қабилалар билан яқин алоқада бўлинган. Ўша даврга тааллуқли ёдгорликлар "Қовунчи маданияти" деб аталади.

Биз юқорида ҳикоя қилган қадимий далиллар буюк тарих уммонидан бир томчи холос. Унинг тубига етиб бўлмайди. Аммо, уммон саргузашт изловчи мард ва довюрак инсонларни мудом ўзига ром этиб келган. Худди шу тақлид тарих ҳам журъатли, тиниб-тинчимас кишиларни доим ўзига чорлайди. Ушбу даъватни фақат қалбида она заминга муҳаббати борларгина (жон қулоғи билан) эшитади.

Қовунчитепа... Ўтмиш воқеалари шабадаларига йўғрилган кўҳна тарих парчаси. Уни асраб қола оламизми? Ёки тарихимизнинг турли даврларида бўлганидек, у ҳам ер юзидан изсиз йўқолиб кетадими?

Қовунчитепа ҳақидаги ҳикоямиз интиҳосида ҳайратомуз бир воқеликдан хабардор қилмоқчимиз. Уни қачон содир бўлишини ҳеч ким билмайди. Камдан-кам ҳолларда кўҳна манзилгоҳ қўрғонлари тепасида лоп этиб ёрқин нур кўринади ва бутун тепалик ғайриодатий ёғдуга ғарқ бўлади. Бу ёғду узоқ чўзилмайди, аммо гувоҳ бўлганлар уни бир умр эслаб қолишади. Уларнинг ҳаёт йўллари ҳам мудом ёруғ бўлади. Зеро, бу, ушбу заминда яшаб ўтган буюк аждодларимиз хотирасидир.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

---

Эълонлар

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Проект строительства современных сельских домов (фаза-1)**
**Развитие сельской местности**
**Строительство 3-, 4- и 5- комнатных типовых домов**
**Форма финансирования: истисна**
**ПРОЕКТ № УЗБ-0075.**
**№ контракта/конкурсных торгов 2015/01**

Республика Узбекистан подала заявку в Исламский банк развития на финансирование Программы строительства современных сельских домов (фаза-1) и намерена использовать часть поступлений на строительство типовых домов в сельской местности. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами правомочности ИБР. ООО "Кишлок Курилиш Инвест" принимает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов на строительство 1100 типовых домов в сельской местности Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областях. Срок строительства составляет 9 (девять) месяцев.

Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с национальными требованиями к конкурсным торгам, как указано в руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание) и открыт для всех правомочных участников, как указано в руководстве.

Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальных консалтинговых центрах по ценообразованию по нижеуказанному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

**Ташкентская область**
**Адрес: г. Ташкент, ул. Навоий, 18.**
**Телефон: + 8 (371) 241-15-26.**
**Факс: + 8 (371) 241-15-37**

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены реквизиты банковских счетов:

**Ташкентская область**
**Банк: ОАКБ "Узпромстройбанк" Ташкентский областной филиал. ИНН: 300017720 Р/с: 20210000704546027001. ОКОНХ: 84500**

Все предложения должны быть представлены в областные консультационные центры по конкурсным торгам и ценообразованию с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по указанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по конкурсным торгам и ценообразованию до истечения крайнего срока подачи предложений, которые перечислены ниже. Тендерные предложения должны быть получены Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше конечного срока подачи предложений, который указан ниже. Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

Требуется тендерная гарантия к предложениям. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно ниже- приложенной таблице, в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по адресу:

**Хокимият Ташкентской области**
**Адрес: г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 17.**
**Телефон: +8 (371) 236-77-68.**
**Факс: +8 (371) 236-77-68**

Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращаются запечатанными.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015–01 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Программа строительства современного сельского жилья**
**Издано: 10 января 2015 г.**

| № лота | Область | Район | Массив | Кол-во домов в лоте | Номер домов по лоту | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ташкентская область | | | | | | |
| ИБР-37 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 | 2 февраля 2015 года в 12:00 |
| ИБР-38 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 | 2 февраля 2015 года в 12:00 |
| ИБР-39 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 17,18,19,20,21,22,23,24 | 2 февраля 2015 года в 12:30 |
| ИБР-40 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 25,26,27,28,29,30,31,32 | 2 февраля 2015 года в 12:30 |
| ИБР-41 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 33,34,35,36,37,38,39,40 | 2 февраля 2015 года в 14:00 |
| ИБР-42 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 41,42,43,44,45,46,47,48 | 2 февраля 2015 года в 14:00 |
| ИБР-43 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 49,50,51,52,53,54,55,56 | 2 февраля 2015 года в 14:30 |
| ИБР-44 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 57,58,59,60,61,62,63,64 | 2 февраля 2015 года в 14:30 |
| ИБР-45 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 65,66,67,68,69,70,71,72 | 2 февраля 2015 года в 15:00 |
| ИБР-46 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 73,74,75,76,77,78,79,80 | 2 февраля 2015 года в 15:00 |
| ИБР-47 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 81,82,83,84,85,86,87,88 | 2 февраля 2015 года в 15:30 |
| ИБР-48 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 89,90,91,92,93,94,95,96 | 2 февраля 2015 года в 15:30 |
| ИБР-49 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 97,98,99,100,101,102,103,104 | 2 февраля 2015 года в 16:00 |
| ИБР-50 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 105,106,107,108,109,110,111,112 | 2 февраля 2015 года в 16:00 |
| ИБР-51 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 113,114,115,116,117,118,119,120 | 2 февраля 2015 года в 16:30 |
| ИБР-52 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 121,122,123,124,125,126,127,128 | 2 февраля 2015 года в 16:30 |
| ИБР-53 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 129,130,131,132,133,134,135,136 | 2 февраля 2015 года в 17:00 |
| ИБР-54 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 137,138,139,140,141,142,143,144 | 2 февраля 2015 года в 17:00 |
| ИБР-55 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 145,146,147,148,149,150,151,152 | 2 февраля 2015 года в 17:30 |
| ИБР-56 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 153,154,155,156,157,158,159,160 | 2 февраля 2015 года в 17:30 |
| ИБР-57 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 161,162,163,164,165,166,167,168 | 2 февраля 2015 года в 18:00 |
| ИБР-58 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 169,170,171,172,173,174,175,176 | 2 февраля 2015 года в 18:00 |
| ИБР-59 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 177,178,179,180,181,182,183,184 | 2 февраля 2015 года в 18:30 |
| ИБР-60 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 185,186,187,188,189,190,191,192 | 2 февраля 2015 года в 18:30 |
| ИБР-61 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 193,194,195,196,197,198,199,200 | 2 февраля 2015 года в 19:00 |
| ИБР-62 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 201,202,203,204,205,206,207,208 | 2 февраля 2015 года в 19:00 |
| ИБР-63 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 209,210,211,212,213,214,215,216 | 2 февраля 2015 года в 19:30 |
| ИБР-64 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 217,218,219,220,221,222,223,224 | 2 февраля 2015 года в 19:30 |
| ИБР-65 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 8 | 225,226,227,228,229,230,231,232 | 2 февраля 2015 года в 20:00 |
| ИБР-66 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 7 | 233,234,235,236,237,238,239 | 2 февраля 2015 года в 20:00 |
| ИБР-67 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 7 | 204,241,242,243,244,245,246 | 3 февраля 2015 года в 12:00 |
| ИБР-68 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 7 | 247,248,249,250,251,252,253 | 3 февраля 2015 года в 12:00 |
| ИБР-69 | Ташкентская | Юкоричирчикский | Ийк ота | 7 | 254,255,256,257,258,259,260 | 3 февраля 2015 года в 12:30 |
| ИБР-70 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 | 3 февраля 2015 года в 12:30 |
| ИБР-71 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 | 3 февраля 2015 года в 14:00 |
| ИБР-72 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 17,18,19,20,21,22,23,24 | 3 февраля 2015 года в 14:00 |
| ИБР-73 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 25,26,27,28,29,30,31,32 | 3 февраля 2015 года в 14:30 |
| ИБР-74 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 33,34,35,36,37,38,39,40 | 3 февраля 2015 года в 14:30 |
| ИБР-75 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 41,42,43,44,45,46,47,48 | 3 февраля 2015 года в 15:00 |
| ИБР-76 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 49,50,51,52,53,54,55,56 | 3 февраля 2015 года в 15:00 |
| ИБР-77 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 57,58,59,60,61,62,63,64 | 3 февраля 2015 года в 15:30 |
| ИБР-78 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 65,66,67,68,69,70,71,72 | 3 февраля 2015 года в 15:30 |
| ИБР-79 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 8 | 73,74,75,76,77,78,79,80 | 3 февраля 2015 года в 16:00 |
| ИБР-80 | Ташкентская | Кибрайский | Ёнарик | 9 | 81,82,83,84,85,86,87,88,89 | 3 февраля 2015 года в 16:00 |
| ИБР-81 | Ташкентская | Кибрайский | Алишеробод | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 | 3 февраля 2015 года в 16:30 |
| ИБР-82 | Ташкентская | Куйичирчикский | Сурум | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 | 3 февраля 2015 года в 16:30 |
| ИБР-83 | Ташкентская | Куйичирчикский | Сурум | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 | 3 февраля 2015 года в 17:00 |
| ИБР-84 | Ташкентская | Куйичирчикский | Сурум | 9 | 17,18,19,20,21,22,23,24,25 | 3 февраля 2015 года в 17:00 |
| | **Итого** | | | **385** | | |

Примечание: *текст данного объявления первоначально был напечатан 2015 году 10 января в газете "Правда Востока" за №6 и повторно был напечатан 2015 году 20 января в газете "Қишлоқ ҳаёти" за №8.*

---

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республика Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли Фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга ошириб келаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Электрон имзодан фойдаланган ҳолда давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилишни интернет тизими орқали жўнатишнинг асосини "eStat 2.0" дастурий таъминоти ташкил этади.

"eStat 2.0" ахборот тизимининг функционал қулайликлари қуйидагилардан иборат:

* статистик ҳисоботларни топширишда вақтнинг тежалиши;

* давлат статистика органларига ҳисобот учун масъул мансабдор шахсларнинг шахсан келишини бартараф қилиниши;

* статистик ҳисобот шаклларининг бирламчи шахс томонидан тўлдирилиши ҳисобидан турли хатоликлар сонининг тубдан қисқариши;

* электрон шаклда киритилган статистик ҳисоботларнинг нусхасини қоғоз шаклда ҳам олиш имкониятининг мавжудлиги;

* статистик ҳисобот шаклларининг тезкор ва ўз вақтида янгиланиб борилиши;

* ахборот тармоғи орқали узатилаётган ахборотларнинг махфийлигини таъминланиши (барча ҳисоботлар жўнатишда ахборотларни криптографик ҳимоялаш воситасидан фойдаланилади).

Корхона ва ташкилотлар статистик ҳисоботларни электрон усулда топширишлари учун:

* Интернет халқаро ахборот тармоғига уланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маркази томонидан берилган электрон рақамли имзога эга бўлиши керак;

* Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан махсус автоматлаштирилган ахборот тизими кўчириб олиб ўрнатилади;

* топширилиши керак бўлган ҳисобот шакли танлаб олиниб тўлдирилади ва арифметик, мантиқий назоратдан ўтказилади ҳамда ҳисобот жўнатилади;

* ушбу тизим мустақил равишда флэш хотирадан электрон рақамли имзони излайди ва топгандан кейин ҳисоботни имзолайди ҳамда ҳисоботни Давлат статистика қўмитаси серверига жўнатади;

* статистика органлари ходимлари ҳисоботларни махсус дастур орқали қабул қилиб олади. Уларни текширади, агар хатоликлари бўлмаса, қабул қилади, акс ҳолда хатоларини кўрсатиб, ҳисоботни тузатиш учун қайтариб юборади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан барча турдаги ойлик, чораклик ва йиллик давлат статистика ҳисоботларни белгиланган тартибда электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда электрон равишда тақдим этишингиз лозим.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

---

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 09.12.2014 йилдаги ҳал қилувчи қарорларига асосан Бектемир туманида рўйхатга олинган "RUSTAM RAXMON HAMKOR" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20367; "LI ELENA" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20368; "BEST TRAVEL PLUS" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20369; "MUHAMMAD-ZIYOD BIZNES" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20370; "OLIMJON OYBEK OMAD BIZNES" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20371; "FRESH POTATO" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20372; "LOYAL SECURITY" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20373; "GRADOR BUILD" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20374; "SPRING MEGA TRADE" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20375; "SAFA MARKETING" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20376; "JAHON FARM SERVIS" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20377; "MA'SUDA FARM GROUP" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20378; "ILLAR-SERVIS" МЧЖ-09.12.2014й. 10-1406/20379 корхоналар ТУГАТИЛАДИ ҳамда уларга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 2-уйда қабул қилинади. Телефон: 231-65-23.

---

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментини "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 16 январдаги 1-сонли Баённомаси қарори билан:**

**I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:**

1.1 "JAXONGIR" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000561 рақамли лицензияни амал қилиш муддати тугатилди.

---

Яшнобод (собиқ Ҳамза) тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LAYLAK-STAR" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ENERGY POWER SERVICE" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "OSIYO-KO'PRIK" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 27.02.2012 йилда № 005741-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IKROM ISMOIL TAOM" МЧЖнинг устав жамғармаси 661 656 284 (олти юз олтмиш бир миллион олти юз эллик олти минг икки юз саксон тўрт) сўмдан 22 026 284 (йигирма икки миллион йигирма олти минг икки юз саксон тўрт) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99895) 177-58-85.

---

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган "KAMALA ENERGO" МЧЖ номига 01.11.2011 йилда омборхона биноси учун берилган ТА № 1311831 серияли бино кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 17.05.2012 йилда № 007572-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 2-Б уйда жойлашган "ASIAN FOODS BUSINESS" (ИНН 302304236) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (муассасанинг 19.01.2015 йилдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 2-Б уйда қабул қилинади.

---

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 09.10.2013 йилда № 008654-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уйда жойлашган "ACCESS IT GROUP" (ИНН 302724781) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (муассасанинг 15.01.2015 йилдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уйда қабул қилинади. Телефон: 162-75-71.

---

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 27.02.2014 йилда № 008956-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ғайратий кўчаси, 33-уйда жойлашган "VERTEX LEASING" (ИНН 302845465) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (муассасанинг 15.01.2015 йилдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Ғайратий кўчаси, 33-уйда қабул қилинади. Телефон: 531-15-93.

---

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 22.07.2014 йилдаги №2-338-14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 52 876 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 34,87 кв.м., яшаш майдони 16,22 кв.м. бўлган 1 та яшаш хонадан иборат 4-хонадон "тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 24 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

---

Олмазор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TABIIY CHARM" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "TABIIY CHARM" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 03.07.2014 йилда № 007928-11 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "BEST ART LINE" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 152 000 000 (бир миллиард бир юз эллик икки миллион) сўмдан 652 000 000 (олти юз эллик икки миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99895) 177-58-85.

Лоқайд бўлманг, одамлар

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Башарият ўз тарихида кўплаб хунрезликларни кўрди. Биргина ўтган асрдаги Иккинчи жаҳон уруши 50 миллион одамнинг ёстиғини қуритди. Бу фақат жанг майдонларида ўлганлар сони, демак, ўта нисбий рақам. Фронт ортидаги оғир меҳнат, очарчилик, эпидемик касалликлар натижасида ҳаётдан кўз юмганлар ҳам, навқирон йигит ёшида жувонмарг кетганларнинг дунёга келмаган зурриётлари ҳам уруш қурбонларидир. Қолаверса, тарихдаги ўша улкан хунрезлик асоратлари, жароҳатлари орадан сал кам етмиш йил ўтса ҳамки, ҳалигача юракларни зирқиратиб келаётгани ҳам сир эмас... Ҳа, уруш ҳеч қачон, ҳеч кимга наф келтирмаган, ҳатто ўз ҳомийларига ҳам. У ўз номи билан уруш. У ҳаётнинг, бунёдкорлик, тараққиётнинг душмани. Парвардигор одамзотни яратар экан, уларни ҳеч қачон бир-бири билан хусуматлашишини истамаган.**



Сайёрамиз аҳолиси етти ярим миллиарддан ошди. Улар турли ирқ, миллат, дину мазҳабга мансуб. Бироқ, уларнинг асл илдизи бир. Парвардигор уларни ўзаро аҳилликда яшашини истайди. Ва қаерда аҳиллик, бағрикенглик устувор бўлса, ўша ерга қут-баракани бисёр қилиб беради. Аксинча ҳолатларда эса кетма-кет нохушликлар, табиий офатлар рўй бериши, обод масканлар харобага айланиши, ҳатто рўйи заминдан йўқ бўлиб кетиши... бу, башар тарихида исботланган аччиқ ҳақиқатдир.

"Биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга етишиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови, бу тинчлик ва осойишталикдир". Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, тинчлик, бу тараққиёт гарови, фаровон ҳаёт, тўкин-сочинлик шартидир. Ва биз сал кам чорак асрлик истиқлол даврида эришганимиз – жаҳоншумул натижалар бунинг яққол далилидир. Шукр, юртимиз тинч. Мамлакатимиз шаҳар-қишлоқлари тинчлик шарофатидан кундан кунга чирой очиб бормоқда. Нафақат халқимиз, чет эллик тадбиркорлар ҳам юртимиздаги барқарор муҳитдан илҳомланиб, ҳамкорликни йўлга қўйишмоқда. Илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги каби ҳаётимизнинг барча жабҳалари тараққий этаяпти. Айни чоғда, бундай барқарорлик ҳаммани ҳам бирдай қувонтирмаслиги аниқ. Дунёнинг турли минтақаларида фитна, бузғунчилик билан шуғулланиб, халқлар тинчини бузиб, бунинг орқасидан манфаат кўзлайдиган кучлар тинч туришмайди. Ва буни биз олис-яқин мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Дунёда Исломни ниқоб қилиб олган 500 га яқин экстремистик гуруҳ ва ташкилотлар фаолият юритаётгани аниқланган. Улар ҳар йили юзлаб террорчилик ҳаракатларини содир этишмоқда. Айни кунларда энг катта фитна бўлиб турган, яхши ниятли дунё аҳлини ташвишга солаётган воқеа, бу ИШИД кўпорувчиларининг кирдикорларидир. Улар ўзларига "Ироқ ва Шом Ислом давлати" (яъни ИШИД) деган ном бериб, "халифалик давлатини вужудга келтириш" ҳаракатида юришибди. Ўз мақсадлари йўлида аллақачон минглаб бегуноҳ инсонлар (жумладан, ёш болалар) умрига зомин бўлишди. Қанчадан қанча кишилар жабрланди, хону-монидан айрилди. Болалар етим, аёллар бева қолди. Мантиқни қаранг: Ислом давлати қуришни мақсад қилган бу кимсалар ўз диндошларини ўлдирмоқдалар, масжидларни, ўқув даргоҳларини портлатмоқдалар, асир тушган эркакларни "қул"га, аёлларни "канизак"ка айлантирмоқдалар. Ўз йўриғига юрмаган, хайрихоҳ бўлмаган илм кишилари – уламоларни кўпчиликнинг кўз ўнгида қатл этиб, буни телевидение, интернет тармоқлари орқали намойиш этмоқдалар. Бу – бориб турган ваҳшийлик эмасми?! ИШИД жангарилари қора қилмишлари (дарвоқе, улар ўзларини "қора байроқлилар" ҳам деб аташади) "ислом террорчилиги", "ислом фанатлари", "ислом экстремизми" деган атамалар билан динимизни ёмонотлиқ қилишга уринаётган кимсалар тегирмонига сув қуйишаётганини билишармикин?! Ахир, бу динимиз шаънига иснод-ку! Ислом тинчлик ва омонлик дини. Ислом деган номнинг замирида тинчлик-осойишталик, сулҳ ва итоат каби маъноларнинг мужассам эканининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бутун жаҳон уламолари иттифоқи мазкур ИШИД ташкилотига ўз муносабатини очиқ-ойдин билдирди. Қандайдир (Абу Бакр Бағдодий лақабли) бетайин шахс чиқиб, атрофига ғаразгўй, ҳасадгўй кишиларни тўплаб, ўзини халифа деб эълон қилишга, одамларни мўмину кофирга ажратишга, дунё халқларининг тинчини бузишга ҳаққи йўқ ва шубҳасиз, бу ҳаракатларнинг олди тўсилади. Бироқ, жуда афсусланарли ва бизни сергаклантирадиган яна бир томони – ИШИДчилар сафида Ўзбекистоннинг ҳам баъзи бир нодон ёшлари борлигидир. Бу эса бориб турган нонкўрлик! Мамлакатимизда, ёшлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган, уларга ҳар жабҳада оталарча ғамхўрликлар кўрсатилаётган бир пайтда, аллақандай фитначилар алдовига учиб, қандайдир имтиёзлар илинжида ўзга юртларда дайдиб юрганлар ўзларини қандай оқибатлар кутаётганини билишармикин?!

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Тошкент вилояти вакиллигида таниқли исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг "Ислом ва ақидапараст оқимлар" ҳамда "Интернетга ин қурган "ўргимчаклар" номли китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар динга, чинакам имон-эътиқодга ҳеч қандай алоқаси йўқ оқимларнинг келиб чиқиш илдизлари, уларнинг ғаразли мақсадлари, бу оқимлар орқасида турган манфаатдор кучлар ҳақида мазкур китобларда аниқ ва равшан маълумотлар берилганини таъкидлашди. "Бошбошдоқликлар бизнинг юртимиздан олисларда юз бераётгани бизни хотиржам қилмаслиги керак, – дейишди сўзга чиққанлар. – Экстремистик гуруҳлар маълум бир минтақа билан чекланиб қолмайди. Улар турли воситалар, жумладан интернет тармоқлари орқали ҳам тарғибот-ташвиқот юргизиб, дунё аҳолисини, айниқса тажрибасиз, мафкуравий иммунитети етарли шаклланмаган ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қиладилар. Ва бунга қисман эришмоқдалар ҳам. Шундай экан, бизнинг бепарво бўлишга, ёшлар тарбиясида сусткашликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бизнинг кураш йўлимиз, Президентимиз ибораси билан айтганда "жаҳолатга маърифатни қарши қўймоқдир".

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Спорт

**Австралияда футбол бўйича ўтказилаётган Осиё кубогининг гуруҳ баҳсларидаги сўнгги учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Саудия Арабистони вакилларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.**

# ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Футболчиларимиз нуфузли мусобақанинг "В" гуруҳидаги дастлабки баҳсда КХДР терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, кейинги учрашувда хитойлик футболчиларга 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришганди. Ўз навбатида Саудия Арабистони жамоаси ҳисобида ҳам биттадан ғалаба ва мағлубият бўлиб, гуруҳдаги сўнгги баҳсда ғалаба қозониш ҳар икки терма жамоа учун зарур эди. Зеро, мазкур учрашувда ғолибликни қўлга киритган жамоа Осиё кубогининг чорак финалига чиқиш имконига эга бўларди.

Миржалол Қосимов шогирдлари учрашув бошиданоқ ҳужумкор ўйин намойиш этди ва 2-дақиқада терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Сардор Рашидов рақиб дарвозасига аниқ зарба йўллаб, ҳисобни очди.

Учрашувнинг 59-дақиқасида Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозага ҳакам томонидан белгиланган пенальти эвазига Муҳаммад Ал-Саҳлавий ҳисобни тенглаштирган бўлса, 71-дақиқада Воҳид Шодиевнинг боши билан йўллаган аниқ зарбасини рақиб дарвозабони қайтара олмади. Орадан етти дақиқа ўтиб, Жасур Ҳасанов оширган тўпни яна Сардор Рашидов рақиб дарвозасига жойлаб, терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Шу тариқа, футболчиларимиз 6 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга чиқди. Энди ҳамюртларимиз ярим финалга чиқиш учун Жанубий Корея терма жамоаси билан куч синашади.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМИ

Спорт, аввало, соғлом авлод камолига пойдевор бўлиб, миллат равнақига хизмат қилади, мамлакатни жаҳонга танитади. Шу боис республикамизда, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, машғулотларда обдон чиниққан ёш спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Жумладан, ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 16 та халқаро мусобақаларда спортнинг 14 тури бўйича вилоятимиздан 43 спортчи иштирок этиб, жами 41 та медални қўлга киритдилар.

Бугунги кунда вилоятимизда 5 мингга яқин ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларга қулай шароит яратиш учун жойларда спорт иншоотлари қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланмоқда. Хусусан, 2014 йилда шу мақсадда 217,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундай хайрли ишлар бу йил ҳам давом этмоқда. Пискент туманидаги Мурoтали қишлоғида янги ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Оқтош, Тараққиёт, Холиқберди, Саид, Қорақўйли ва бошқа қишлоқ болалари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

– Майдончанинг очилиши қишлоқ аҳли учун қувонарли иш бўлди, – дейди Муротали қишлоғилик Орзигул Раҳимова. – Энди фарзандларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар.

Ўйингоҳ атрофи кўкаламзорлаштирилиб, томошабинлар учун ўриндиқлар ҳам ўрнатилди.

– Авваллари футбол ўйнаш учун йўл юзидаги очиқ майдонга чиқар эдик, – дейди Сайфулла Абдушукуров. – Бу майдончанинг очилгани айни муддао бўлди. Хавфсиз ва шинам ўйингоҳда футбол ўйнашнинг гашти бўлак.

Очилиш маросимидаги ўйинлар қизиқарли ўтди. Ғолиблар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Марҳабо ИСРОИЛОВА.**

Биласизми?

## ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

- Энг кўп пишлоқ Францияда ейилади. Шунингдек, бу мамлакат дунёдаги барча пишлоқнинг деярли ярмини етказиб беради.
- Тарихда энг ёмон ҳайдовчи сифатида қолган 70 яшар чол 12 дақиқа ичида 10 та жарима олган, 4 марта қарама-қарши йўлга чиқиб кетиб, 6 та ҳалокатта сабабчи бўлган.
- 62 ёшли аёл эса ҳайдовчилик имтиҳонларини 40 марта топширган.
- Британиялик файласуф Жереми Бентем 1832 йилда вафот этиб, барча бойлигини Лондон шифохонасига мерос қилиб қолдираётганда бир шарт қўйган: унинг майити бошқарма йиғилишларида қатнашиши керак. Ҳозиргача у барча мажлисларда "иштирок" этади.
- Самолётларга Тож Маҳал устидан учиб ўтиш тақиқланган.
- Денгиз юлдузини бўлакларга бўлиб ташланса, унинг ҳар бир қисми вақт ўтиб яна юлдузга айланади.
- Кемалар сувда қолдирадиган "изни" ҳатто космосдан кўриш мумкин.
- Авваллари музқаймоқ тайёрланаётганда тухум ва шакардан фойдаланилмаган. Ҳозирги кунда эса музқаймоқларнинг айрим турларига сув ўтлари ҳам қўшилади.
- Фламинго 80 йил яшаши мумкин.
- Туя сути ивиб қолмайди.

Рассом хандаси



*– Иссиқ сув ҳақини вақтида тўласам бўларкан...*

Bolalik bog`i

# ENG YAXShI SOVG`A

Dildora qarasa, buvajonisi o`zining shinamgina xonasida kitob o`qib o`tiribdi.

– Kelaver, bolam, – dedi qo`shni xonada televizor tomosha qilayotgan buvijonisi.

Dildora buvisining qulog`iga shivirladi:

– Buvajonimni tug`ilgan kunlari bilan tabriklamoqchiydim.

– Yaxshi o`ylabsan, – dedi buvisi xursand bo`lib.

– Hozir adamlar bilan sovg`a olib kelamiz, keyin kiraman.

– Ha, bolajonim-a, sening aqlli-hushliligingning o`zi bizga katta sovg`a-ku. Sen maktabdaligingda ota-onang bilan birgalashib tabrikladik.

Dildora indamay chiqib ketdi-da, birozdan keyin chiroyli qutichali shokolad ko`tarib keldi. Bu paytda buvasi bilan buvisi gaplashib o`tirishgandi.

– Assalomu alaykum, buvajon! – dedi qo`lidagi shokoladni orqasiga yashirib.

Buvasi alik olib, so`radi:

– Xo`sh, bolam, "Alifbe" bayraming yaxshi o`tdimi?

– Yaxshi, ustozlar bizdan xursand bo`lishdi. O`qish-yozishni o`rganib olganmiz-da.

– Balli, bolam, balli! Doim shunaqa yaxshi o`qinglar, xo`pmi?

– Xo`p, – dedi Dildora va buvasining bo`ynidan quchoqladi, – tug`ilgan kuningiz bilan tabriklayman, buvajon!

U shunday deganicha, qo`lidagi shokoladni uzatdi.

– Rahmat, bolam! – dedi buvasi xursand bo`lib. – Qani endi bayramdagi she'ringni o`qib berchi.

Dildora she'r o`qib, ketidan raqsga tushgach, yugurib o`z xonasiga kirib ketdi-da, chiroyli gullar chizilgan qog`ozni olib chiqdi. Uning o`rtasida katta-katta harflar bilan "Baxtimizga omon bo`ling, buvajon!" degan yozuv bor edi.

Chol-kampir kechagina maktabga borgan kenja nabiralari shunchalik tez harf tanib, xatosiz yozishidan rosa quvonishdi.

Buvasi Dildorani yoniga o`tqazdi-da:

– Bu shokolad senga sovg`a, – dedi.

Qizaloq jilmayib:

– Yo`q, buvajon, olmayman, sovg`a sizniki, – dedi.

Keyin buvasiga tikilgancha so`radi:

– Buvajon, etmish beshga kirsangiz ham haliyam dars tayyorlaysiz-a, nega?

– Etmish besh – hali yoshman degani, – dedi buvasi nabirasining savolidan hayron bo`lmay. – Dunyoni bilish uchun o`qiydigan kitoblarim hali ko`p. Sizlarga havasim kelgani uchun yosharib, dars tayyorlayman-da.

Dildora eng yaxshi sovg`a maktabda hamma fanlardan a'lo baho olish ekan, deb o`ylaganicha, dars tayyorlash uchun o`z xonasiga kirib ketdi.

**Abdusattor HOTAMOV.**




### ПОЕЗДДА ОММАВИЙ МУШТЛАШУВ

**Польшада 200 га яқин ниқобли киши йўловчилар поездига бостириб кириб, яккакураш мусобақаларига кетаётган спорт мухлислари билан оммавий муштлашув уюштирилгани ҳақида хабар тарқатди Radio Gdansk.**

Гданск-Жабянка станциясида содир этилган ушбу тўполон бошланиши олдидан номаълум шахс вагонлардан биридаги махсус кранни босган ва поездни тўхтатган. Шундан фойдаланган ниқобли оломон вагонларга бостириб киришган. Муштлашувлар жараёнида тахминан 10 киши жабр кўрган. Улардан бир неча нафари бошидан жароҳат олган ва маҳаллий шифохоналарга ёткизилган.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари вазиятни синчиклаб ўрганмоқдалар.

### ПОЛИЦИЯЧИНИ ОТГАННИНГ ЖАСАДИ ТОПИЛДИ

**Канаданинг Сент-Альберт шаҳрида икки полициячига ўқ узган кишининг изидан тушганлар унинг жасадини топишди.**

CTV телеканали маҳаллий полиция комиссари ўринбосари Марлин Дегранднинг сўзига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, ўқ узган кишининг шахси аниқланган, бироқ ошкор этилмаяпти. Фақат шуниси маълумки, у кўринишидан 25-35 ёшларда. Шаҳарнинг гольф майдони ёнида юз берган воқеа жараёнида яраланган полициячилар шифохонага ёткизилди.

### БОЙЛАР КЎПРОҚ СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ

**АҚШ президенти Барак Обама бадавлат америкаликлар тўлайдиган солиқ миқдорини оширмоқчи ҳамда мерос қолган қимматбаҳо қоғозларга оид имтиёзни бекор қилмоқчи.**

Associated Press агентлигининг Оқ уйдаги манбага таяниб хабар беришича, Обама ушбу режасини ҳар йили Конгресс эътиборига ҳавола этадиган мактаби орқали маълум қилишни режалаштирган эди. Кутилаяптики, Обаманинг таклифи билан йиллик умумий даромади 500 минг доллардан зиёд бўлган оилалар тўлайдиган солиқ амалдаги 23,8 фоиздан 28 фоизга кўтарилади. Президент илгари ҳам 15 фоиздан иборат бўлган ушбу солиқ миқдорини оширган эди.

Шунингдек, давлат раҳбари қимматбаҳо қоғозлар мерос қолган америкаликларни ҳам солиққа тортишга қарор қилди. Бундан ташқари, коллежларда билим олаётган ўқувчиларнинг айрим табақалари ҳам ўқиш учун тўловлардан озод этилади.

### ЕР ШАРИДА ЭНГ ИССИҚ ЙИЛ

**Метеокузатув бошланган 1880 йилдан буён 2014 йилнинг 12 ойи давомида ер шаридаги ўртача ҳарорат цельси бўйича 14,6 даражага тенг бўлди.**

Бу XX асрдаги ўртача даражадан 0,7 фоиз юқоридир. АҚШнинг аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси ҳамда атмосфера ва уммонлар миллий бюроси шу ҳақда хабар тарқатиб, ҳар йили ердаги ҳарорат қандай тартибда ўзгариб борганлигини мисол тариқасида келтирди. Бундан аввалги мутлақ рекорд натижа 2005 ва 2010 йилларда қайд этилган бўлиб, бироқ, таққослаш учун рақамлар келтирилмади.

Шунингдек, ҳар икки миллий ташкилот ўтган йилнинг декабри энг иссиқ ой сифатида қайд этилганини маълум қилди. Умуман, одамлар фаолияти натижаси ўлароқ иссиқхона газлари концентрацияси кўпайганлиги ҳамда қуёшнинг фаоллиги кучайганлиги каби бошқа сабаблар туфайли ер юзидаги ўртача ҳарорат кўтарилган.

### НИГЕРИЯ ШАҲАРЛАРИДА ТАРТИБСИЗЛИК

**Мамлакатнинг мингга яқин фуқароси Ниамей шаҳри марказидаги масжид ёнига тўпланишиб, полициячиларни тошбўрон қилдилар ҳамда машина баллонларини ёқишга тушдилар.**

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари уларга қарши кўздан ёш оқизувчи газни ишга солишга мажбур бўлдилар. Ушбу тартибсизликлар жараёнида беш киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди РИА Новости агентлиги. Шунингдек, Зиндер шаҳрида юз берган тартибсизликлар чоғида ҳам беш киши қурбон бўлиб, камида 45 фуқаро тан жароҳати олган.

Намойишчилар Charlie Hebdo нашрининг диний карикатуралар чоп этаётганига қарши норозилик билдирмоқдалар. Ушбу ҳафталик сатирик журналнинг янги сони Францияда қарийб икки миллион нусхада тарқалди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1895. Адади 15225. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.